



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 4 январь, № 2 (5422)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 14 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги 441-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 219-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 415-модда; 2010 йил, № 9, 333-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда:** куйидаги мазмундаги биринчи қисм билан тўлдирилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси давлат статистикаси ваколатли органидир»; **биринчи – тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи – бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) куйидаги мазмундаги **5¹-модда** билан тўлдирилсин:

«5¹-модда. Давлат статистикаси ваколатли органи

Давлат статистикаси ваколатли органи:
давлат статистикаси соҳасидаги ягона сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади, уни ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлайди;
давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириб бориш ва функционал тартибга солишни амалга оширади;

ягона статистика услубиятини ва давлат статистика кузатувларининг шакллари ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда жорий этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистика кузатувлари шакллари келишади;
статистика кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончилиги ва ҳолислигини таъминлайди, статистика ахборотидан фойдаланиш эркинлигини, унинг очиқлиги ва ошқоралигини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга оширади;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритади;
давлат статистикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва қабул қилади;

бошқа давлатларнинг статистика органлари ва халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик тўғрисида белгиланган тартибда битимлар тузади.

Давлат статистикаси ваколатли органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин;

3) **6-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат статистикаси органлари ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқларга эга:
давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботларини олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан яққа тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;
олинаётган давлат статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ҳолислиги ва ишончилигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида қондабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ маъмурий жазо чораларини қўллаш;

юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган, статистика, таҳлилий, ахборот, ноширлик хизматлари ва бошқа хизматларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида кўрсатиш;
айрим вазибаларни бажариш учун функционал бўлимлар ташкил этиш;

4) **7-модда биринчи қисми бешинчи хатбошисининг русча матнидаги** «обследования» ва «обследований» деган сўзлар тегишинча «наблюдения» ва «наблюдений» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **9-модданинг учинчи қисмидаги** «умумдавлат» деган сўз «давлат» деган сўз билан алмаштирилсин;

(Давоми 2-бетда).

2012 йил — Мустақкам оила йили

ЮКСАК НАТИЖАЛАР, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР

Эзгу ният орзулар рўёби учун йўл очса, мақсад қатъийлиги кўзланган марралар сари янада яқинлаштиради. Шу боис ҳар гал Янги йилни хайрли ниятлар билан қарши оламиз. Бир-биримизни эзгу тилаклар билан қутлаймиз. Айниқса, 2012 йил остонасида Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги барча юртдошларимиз қалбига ўзгача кўтаринкилик, қувонч бахш этди. Ана шу онларда ортда қолган йилда эришган ютуқ ва муваффақиятларимизни, шу билан бирга, Мустақкам оила йилидаги режаларимизни бир-бир кўз ўнгимиздан ўтказдик. Буни юртдошларимизнинг дилидан тилига кўчган самимий сўзлар ҳам тасдиқлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

«Корея таймс»:

«КОНСТИТУЦИЯ — МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСИ»

Яқинда Жанубий Кореянинг «Корея таймс» газетасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан «Конституция — миллий давлатчилик асоси» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Унда Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан эътиборан бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга киришилгани таъкидланади. «1992 йил 8 декабрда қонун чиқарувчи олий орган томонидан Асосий Қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани бунга имкон берди, — дея ёзилади газетда. — Шу тарихида Ўзбекистон тарихида илк бор Конституция инсон манфаатлари устуворлиги, унинг ҳуқуқ ва эркинликка қаролати сифатида ихтимойий муносабатларни тартибга солиш ҳамда бошқаришга киришди».

«Корея таймс»да қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосида давлат ва жамият қурилишининг ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасига таянган янги тамойиллари ўз ифодасини

топгани ҳолда, унда миллий анъана ва маданий ўзига ҳосликлар акс этган ҳамда бу борадаги жаҳон тажрибаси ҳисобга олин-

Дунё нигоҳи

гандир. «Мамлакат Асосий Қонуни халқаро ташкилотлар ва дунёнинг етакчи демократик давлатлари томонидан юқори баҳоланди», дея ёзилади нашрда.

Мақолада тасдиқланишича, Ўзбекистон Конституциясида халқ ҳокимияти, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, давлат суверенитети, инсон ҳуқуқ ва эркинликка олий қадрият сифатида эътироф этилиши, сиёсий плюрализм, иқтисодий фаолият шакллари-нинг хилмаҳиллиги, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ҳуқуқли иштироки сингари демократик конс-

(Давоми 3-бетда).

Муносабат

Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ОАВ: РАҒБАТ ВА РАВНАҚ

Хусусан, мазкур қарор соҳа вақил-ларига қулай шарт-шароитлар ва оми-ларни яратиш, оммавий ахборот воси-таларининг мустақиллигини таъмин-лаш, ахборот соҳасини ривожланти-ришда, давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органлари фаолияти устидан жа-мият назоратини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳужжатда оммавий ахборот воситаларини янада тараққий топти-риш бўйича қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар кўзда тутилган. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай тажриба жаҳоннинг камдан-кам дав-латларидагина учрайди, холос.

Шуни алоҳида эътироф этиш ке-ракки, сўнгги йилларда оммавий ах-борот воситаларини янада демократ-лаштириш ва либераллаштириш, иж-тимой-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларнинг очиқлиги ҳамда ош-қоралигини таъминлаш, медиа-ма-қонга илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш-га қаратилган ўнга яқин қонун ва кўп-лаб қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Оммавий ахборот восита-лари соҳасидаги қонунчилик халқа-ро андозалар ва замон талабларига мос равишда такомиллашиб, норма-тив-ҳуқуқий база янада мустақкам-ланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Модернизация

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР ВА САМАРАДОРЛИК

Юртимизда мураккаб техно-логиялар асосида фаоли-ят юритаётган корхоналар бисёр. Улар томонидан иш-лаб чиқарилаётган турфа маҳсулотлар ички бозори-мизни импорт ўрнини босу-вчи маҳсулотлар билан тўлди-раётгани қувонарлиқдир.

Жалақудук туманидаги «ZPZ-Beatings» қўшма кор-хонаси хусусида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Бу ерда Германиядан кел-тирилган илғор техноло-гиялар асосида эндиликда 600 турдаги подшипниклар тайёрланмоқда.

— Утган йилнинг тўққиз ойи мобайнида 863 минг дона подшипник ишлаб чиқариб, 1 миллиард 870 миллион сўмлик қис-мини буюртмачиларга со-тишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона бош му-ҳандиси Расулжон Орти-ков. — Ҳолбуки, бундай бутловчи қисмлар илгари хориждан келтириларди.

(Давоми 2-бетда).

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланган эди.

Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиغان халқаро канал-ларга эга. Юртимиздаги телера-диоканаллар томонидан тайёр-ланаётган кўрсатув ва эшитти-ришлар Интернет глобал тар-моғи орқали реал вақт режими-да жаҳонга узатилмоқда. Дарҳақиқат, бугун замонавий

Қонун кучга кирди

хаётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборот-комму-никация технологиялари ахборот олиш, узатиш ва тарқатиш эр-кинлигини бериш билан бирга, одамларга ўз интеллектуал са-лоҳиятидан янада тўлиқ фойда-ланиш имкониятини яратиб, бар-қарор иқтисодий ўсиш, фаровон-

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Республика Адлия вазирлиги томони-дан Тошкент вилоятида давлат органлари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишининг долзарб масалаларига ба-ғишланган семинар ўтказилди. Вилоятда-ги маҳаллий ижроия ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мутасаддилари ва жамоатчилик вакиллари иштирок эт-ган анжуманда бу борада аниқланган муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди.

● Янги йил байрами арафаси-да Тошкент ахборот технология-лари университети Самарқанд филиалининг замонавий биноси қурилиб, фойдаланишга топши-рилди. Ҳозир ушбу билим дарго-ҳида 10 та компьютер хонаси, 2 та ўқув-лаборатория, видеокон-ференция зали, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида.

● Қизиққ туманида-ги «Қурбонмурод Урол» масъулияти чекланган жамияти жамоаси умум-ий овқатланиш шохоб-часини барпо этди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфланди.

● Фаргона туманида нон ва нон маҳсулотлари иш-лаб чиқаришга ихтисос-лаштирилган «Шухрат» кор-хонаси иш бошлади. Кор-хона жамоаси ўтган қисқа мuddатда Шохимардон ва Ердон қишлоқлари аҳоли-сига 350 тоннадан зиёд маҳсулот етказиб берди.

«Корея таймс»:

«КОНСТИТУЦИЯ – МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСИ»

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига алоҳида ўрин ажратилган. Мақолада мазкур жиҳат ҳам эътибордан четда қолмаган. «Сиёсий ҳуқуқларнинг ҳаёtgа татбиқ этилиши фуқароларга жамият сиёсий ҳаётида, давлат бошқарилишида қатнашиш имконини яратди. Асосий Қонунда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти унинг бирдан-бир манбаи бўлган халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган

қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади. Халқ давлатни бошқаришни бевосита ёки сайлаб қўйилган ўз вакиллари орқали амалга оширади. Референдумлар, юқори вакиллик органларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сайловларнинг барчасида иштирок этиш — халқнинг давлатни бевосита бошқаришидаги энг асосий воқеаларидан саналади. Мустақиллик даврида ўтган референдумлар, Президент сайловлари, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимиятларнинг вакиллик органларига сайловлар фуқароларнинг

мазкур ҳуқуқлари ҳаётга самарали равишда татбиқ этилаётганидан далолатдир. 1992 йилда қабул қилинган Конституция шу давр мобайнида мамлакат маънавий юксалишининг ҳамда ижтимоий-сиёсий тараққиётининг ҳуқуқий пойдевори сифатида хизмат қилиб келмоқда. Давлатнинг иқтисодий ривожланиши ҳар бир фуқаро ҳамда кўп миллатли Ўзбекистон жамияти учун муносиб ва барқарор турмуш тарзини таъминлашга йўналтирилгандир», дея ёзилади «Корея таймс» газетасида.

«Жаҳон» АА.
Сейп

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурлар амалга оширилиши натижасида тадбиркорлик юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустақкам пойдевори яратилди.

Энг муҳими, кичик бизнес мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган ҳар бир киши учун барча шарт-шароит муҳайё. Масалан, рухсат олиш учун 2 кун вақт кетади, холос. Бу муддат ривож-

ТАДБИРКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

ланган давлатлардаги мавжуд мезонларга тўла мос келади. Энг асосийси, тегишли ташкилотларга бориб, эшикма-эшик юришга ҳожат қолмаган. «Битта дарча» таъмоили жорий этилгани кўпчиликнинг айна дилидаги гап бўлди. Натижада тадбиркорлик умуммиллий, истиқболли ва манфаатли ҳаракатга айланди.

Биз ҳам яратиб берилган бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2009 йилда оилавий тадбиркорликка қўл урдик. Махсус иш кийимлари, чойшаб ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бунинг орқасидан оила аъзоларимиз ишли бўлиб, рўзгоримизга барака кирди.

Корхонамизда дастлаб фақат оила аъзоларимиз меҳнат қилган

бўлса, кейинчалик касаначилик асосида маҳалламиздаги хотин-қизларни ҳам ишга жалб эта бошладик. Бандликнинг бу тури уларга маъқул тушди. Чунки чевар аёллар рўзгор ишларидан ажралмаган ҳолда, яъни уйларида ўтириб, буюртмаларни бажариб беришадиди. Айна пайтда 12 нафар касаначи меҳнат қилаётган корхонамиз маҳсулотларига нафақат

Дил сўзи

Тошкент шаҳри ва вилоятида, балки республикамизнинг бошқа худудларида ҳам талаб ортмоқда. Бунда турли кўргазма-савдоларда иштирок этаётганимиз қўл келаяпти. 2011 йил, айниқса, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан кўплаб буюртмалар олдиқ. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тақозо қила-

япти. Шу боис оёига 20-25 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришяпмиз.

Жорий йилда экспортга чиқиш ниятидамыз. Шу мақсадда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзтадбиркорэкспорт» компанияси билан ҳамкорликда изланишлар олиб бораяпмиз. Кувонарлиси, маҳсулотларимиз намуналари билан танишган хорижликларнинг аксарияти харид қилиш истагини билдиришяпти. Сабаби, биз кийим-кечаклар тикишда ўзимизда етиштирилган пахта хом ашёсидан тайёрланган табиий матолардан фойдаланамиз. Бундай маҳсулотнинг харидори эса кўп бўлиши турган гап.

Нуриддин КЎЧҚОРХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳридаги
«Uchtepanurtekstil» МЧЖ директори.

«ФАРОВОН» МЧЖ

жамоаси юртимиз аҳлини

Янги — 2012 йил

билан самимий муборакбод этади!

Юртбошимиз томонидан «Мустақкам оила йили» деб эълон қилинган йил барчамиз учун хайрли бўлсин.

Оилаларимиз тинчлиги, бў — юрт осойишталиги, фарзандларимиз соғлиги ва камолдир.

Маҳорат ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга Ватанимиз иқтисодий янада юксалаверсин.

Барчангизга
Янги йил муборак!

ПУЛЛАТ КУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган кўйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

• Табрик ва рекламалар •

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига тақриф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 3 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бўстонлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан кўйидаги кўчмас мулк объекти қўйилмоқда:

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2011 йил 23 июндаги 1-2868-сонли ижро варақасига асосан хатланган, С.Н. Сулаймоновга тегишли, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 100-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий майдони 402,7 кв.м., яшаш майдони 38,24 кв.м. бўлган икки хонали тураржой.

Бошланғич нархи — 50 964 666 сўм.

Ушбу кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Кушбеги к., 18-уй. Тел.: (8-371) 250-19-24. Лицензия RR-0017.

Tsh 64-20438253-01: 2011

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: **ООО «TAYFUN PLASTIK»**

ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:

КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

для производства полипропиленовых мешков.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг 20 йиллиги олдидан

БЕҒУБОР ҚАЛБЛАРДА ЧЕКСИЗ САДОҚАТ

Жасорат ва шижоат, садоқат ҳамда заковат соҳиб бўлган баркамол авлоднинг мустақил ҳаёт оstonасига кириб келиши ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллатнинг куч-қудрати, эртанги кунига бўлган мустақкам ишончи қафолатидир. Бугун камолга етаётган ўғил-қизларимиз тимсолида ана шу фазилатларни кўрамиз.

Улар қалбида миллий аънава ҳамда қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва фидойилик каби эзгу тушунчалар мужассам эканлиги кўнгилмизда фахри-ифтихор туғилганини уйғотади.

Фарғона шаҳрида жойлашган бу ўқув юртини ҳам ҳақиқий ва-

танпарварлар тарбияланадиган маскан, дейиш мумкин. Дастлаб ҳарбий таълим мактаби сифатида иш бошлаган ушбу муассаса Президентимизнинг 2007 йил 22 майдаги "Ҳарбий-академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

қарорига биноан, ҳарбий-техник йўналишдаги академик лицейга айлантирилди.

Билим даргоҳида таълим-тарбия жараёни ҳарбий тартиб асосида олиб борилади ва бунда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида белгиланган меъёрларга қатъий амал қилинади. Ҳарбийча интизом ёшларнинг келажақдаги фаолиятларида асқотиши, табиий. Лицейда дастлабки сабоқларни олганлар ҳозир Қуролли Қучларимиз сафларида ўз хизмат вази-

фаларини сидқидилдан адо этмокдалар.

Лицейда ёшларнинг билим эгаллаши учун барча шароит яратилган. Бу ерда тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилиб, энг замонавий техника воситалари келтирилди. Математика, физика, механика, чизмачилик, информатика, ҳарбий таълим хоналари бугунги кун талабига мос ўқув жиҳозлари ҳамда воситалари билан таъминланган. Энг сўнгги русумдаги компьютер техниклари ёшлар ихтиёрида. Тураржой биноси ҳам замонавий

қиёфа касб этган. Ўқувчилар икки ва уч кишига мўлжалланган хоналарда ҳордиқ чиқаришади. Ҳар бир қаватда "Маънавият ва маърифат" хоналари мавжуд.

Айни кунларда таълим даргоҳида Ватан химоячилари кун ва Қуролли Қучларимизнинг 20 йиллигига қизгин тайёргарлик кўриляпти. Аънамага мувофиқ, шу кунли лицейнинг биринчи курс ўқувчилари она-Ватанга садоқатли ўғлонлар бўлиш ҳақида қасамёд қабул қиладилар. Бу уларнинг юрт олдидаги масъулиятларини янада ошириши аниқ.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Турфа олам



2011 йил ҳам тарихга муҳрланди. Мана шундай дамларда ортга бир назар ташлаб, босиб ўтилган йилни сарҳисоб қилиш ўзига хос аънамага айланган. Ўтган йилда сайёрамизда жуда кўп қизикарли воқеалар, гоҳида эса дилни хира қиладиган ҳодисалар рўй берди, тараққиёт йўлида янги-янги ихтиролар яратилиб, катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу эса узок вақтгача ёдимизда сақланиб қолиши аниқ. Келинг, шу ўринда улардан айримларини эсга оламиз.



Ийил давомида қайд этилган оламшумул янгилик — "Ёшлик эликсирининг" ихтиро қилинганидир. Ушбу препарат организмдаги "кексайган" тўқмаларни йўқотиб, инсонни ёш ҳамда кўркам кўринишда сақлаб турар экан.

2011 йилда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим воқелик ОИТС хасталигига қарши препаратнинг клиник ҳолатда муваффақиятли синовдан ўтказилгани бўлди. Ўзтиборли жиҳати, тадқиқот якунида нафақат бу касаллик билан оғриган беморга ёрдам бериш, балки вируснинг тарқалишини тўхтатиш ҳам мумкинлиги маълум бўлган.

Япониянинг шимоли-шарқий ҳудудида юз берган кучли zilзилга мамлакат тарихида мисли кўрилмаган талафотларни келтириб чиқарди. Фалокат кўпглаб одамларни ҳаётдан олиб кетди, катта вайронлар кузатилди. Айниқса, "Фукусима-1" атом электр станциясидаги фалокат оқибатида радиоактив моддаларнинг ҳаво ва сувга тарқалиб кетиши дард устига чипқон бўлди. Айнан уша фожиа туфайли бир қатор давлатлар яқин йилларда ўз ҳудудларидаги мавжуд АЭСлар фаолиятига чек қўйишини билдирди.

НАСА мутахассислари "Кеплер" телескопи ёрдамида Ерга ўхшаш сайёрани аниқлашди ва бу поёнига етган йилнинг энг ёрқин катта йўлдан бири бўлди. Ҳозир ушбу сайёрада сув бор ёки йўқлигига ойдинлик киритиш мақсадида изланишлар давом эттирилмоқда. Агар обихаёт мавжудлиги тасдиқланса, астрономларнинг фикрича, бу ўша жойда тирик организмлар ҳам бор, деган тахминларни юзага чиқаради. Сайёрада ҳарорат +22 даражани ташкил этади. Айни иқлим шароити яшашга мос келади. Айрим олимилар ана шу жиҳатларни назарда тутиб, мазкур сайёра келажақда ерликлар учун "захирадаги уй" вазифини ўтаса ажаб эмас, дея таъкидлашмоқда.

Европа ўтган йили иқтисодий инқироз талафотларидан энг кўп азият чеккан қитъа бўлди. Шу боис Халқаро валюта жамғармаси бошлиғи Кристин Лагард "кўхна қитъа"даги вазият яқин келажақда жаҳон иқтисодиётида ижобий натижалар кутилишига тўқинлик қилишини таъкидлаб, бу борадаги муаммони бир қитъа доирасида ҳал этиб бўлмаслигини, бунинг учун халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уни бартараф этиш мумкинлигини айтди. Унинг бундай фикр юритишига йил давомида евроҳудудда иқтисодий пасайиш муттасил давом этиб, ишсизлик тобора авж олиб боргани сабаб бўлди. Вазиятга изоҳ берган баъзи экспертлар бу XX асрнинг 30-йилларида кузатилган Буюк таназзулга олиб келиш эҳтимоли борлигини қайд этганлар.

2011 йилнинг 31 октябр санасида сайёрамизнинг нуфуси 7 миллиард нафар кишига етди. Ҳисобни тўлдирган қизалоқ Филиппин поитаҳти Манилада туғилди. Унга Даника Май Камачо дея исм қўйилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети маъмурияти ва касба уюшмаси қўмитаси Биология-тупроқшунослик факультети Тупроқшунослик кафедраси профессори, биология фанлари доктори Латиф ТУРСУНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ жамоаси меҳнат фахрийси Мухаммад Мирзобоева волида муҳтарамаси Салтанат МИРЗАБОЕВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Электромеханика ва автоматика кафедраси катта ўқитувчиси Шаҳдо Сайдалиевага волида муҳтарамаси ХАЙРИНИСА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Танлов Новвойлар маҳорати

Самарқанд нонлари азиздан дунёга маълум машҳур. Кўхна шаҳарда бўлиб ўтган аънавий "Нон байрами"да вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган новвойлар ҳамда корхоналар ўзлари тайёрлаган "Гала Осий", "Пўлоди", "Жиззали", "Пиёзли" каби нонларнинг бир неча ўнаб турлари билан қатнашдилар.

Ҳар бир ҳудудда тайёрланаётган нонлар ўзининг хушталлиги ва шифобахш хусусиятлари билан ажралиб туради, — дейди тадбир иштирокчиси, моҳир новвой Дилором Худойкулова. — Масалан, лавлагили нон камқонлиқнинг олдини ола, тарвузли нон инсон организмни тозалаш хусусиятига эга.

Бир пайтнинг ўзида "Самарқанд ширинликлари" ҳамда "Миллий таомлар" кўрик-танловлари ҳам ташкил этилди. Моҳир ошпазлар ва қандолатчилар томонидан тайёрланган турли таом ва ширинликлар нафақат самарқандликлар, балки хорижлик меҳмонларда ҳам ҳайрат уйғотди.

Тадбир якунида голиблар аниқланиб, улар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

Table with weather forecasts for various cities: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида, Бухоро ва Навоий вилоятларида, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида, Тошкент шаҳрида.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25.



СОҒЛОМ ФАРЗАНДА — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида репродуктив саломатлиқни мустақкамлаш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш сингари кенг қамровли вазибалар ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилаётир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида "Соғлом она — соғлом бола" тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли эришган ижобий қўрсаткичларимиз бугун халқро доирада ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, пойтахтимизда жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказилган ушбу мавзудаги халқаро симпозиумда Ўзбекистонимиз оналар ва болалар саломатлигини асраш йўлида тиббиётнинг ўзига хос миллий моделига асосланиб намунали иш олиб бораётганлиги хорижлик экспертлар томонидан кўп бор тилга олинди.

Республика Перинатал маркази мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ана шундай эзгу ислохотлар туфайли замонавий шарт-шароит ва имкониятлар билан таъминланган тиббий муассасалардан биридир. Марказимизда ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғуруқ эҳтимоли мавжуд бўлган бўлажак оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланади. Туғуруқ, неонатал жарроҳлик, реанимация, неонатал патология сингари бўлимлар-

да энг малакали мутахассислар, илмий-амалий тадқиқот олиб бораётган олим ва шифокорлар фаолият кўрсатаётир. Муассасамизда жаҳон андозаларига мос тиббий асбоблар — икки ва уч ўлчамли УЗД, СРАР, лапароскопия, сунъий нафас бериш, вакуум, бронхоскопия сингари замонавий ускуналар, реанимобиль, транспорт инкубатори сингари қулайликлар мавжуд. Яқинда эса марказнинг "Sen yolg'iz emassan"

шифокор юқори технологиялар кўмагисиз жарроҳликни муваффақиятли амалга оширолмайдди. Операция пайтида иссиқлик занжирини таъминлашдан тартиб, чақалоқнинг мўъжазига аъзосидаги нуқсонни бартараф этишгача бўлган барча жараён игна билан кудуқ қазихдек гап. Чақалоқлар жарроҳлигида хасталиқни даволашга имкон қадар тез фурсат ичида киришиш лозим. Шу боис туғма нуқсонларни бартараф

этишда оналарнинг ҳомиладорлик давридаёқ мутахассис назоратида олинишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бинобарин, ҳозирги кунда бўлимимиз мутахассислари Германия, Жанубий Корея, Россия, Латвия, Италия ва Хитой мамлакатларидаги ҳамкасблар билан доимий ҳамкорликда иш олиб боришапти. Хорижий давлатлардаги етакчи клиникаларда малака ошириш, қолаверса, марказимизда жаҳонга таъниқли неонатолог жарроҳларнинг вақти-вақти билан маҳорат сабоқлари ўтказилиб турилиши ёш ходимларимиз учун ўзига хос мактаб вазифини ўтамоқда.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ҳар қандай хасталик соғлиққа нисбатан лоқайдлик натижасидир. Шу боис инсон ўз саломатлиги учун,

этишда оналарнинг ҳомиладорлик давридаёқ мутахассис назоратида олинишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бинобарин, ҳозирги кунда бўлимимиз мутахассислари Германия, Жанубий Корея, Россия, Латвия, Италия ва Хитой мамлакатларидаги ҳамкасблар билан доимий ҳамкорликда иш олиб боришапти. Хорижий давлатлардаги етакчи клиникаларда малака ошириш, қолаверса, марказимизда жаҳонга таъниқли неонатолог жарроҳларнинг вақти-вақти билан маҳорат сабоқлари ўтказилиб турилиши ёш ходимларимиз учун ўзига хос мактаб вазифини ўтамоқда.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ҳар қандай хасталик соғлиққа нисбатан лоқайдлик натижасидир. Шу боис инсон ўз саломатлиги учун,

Тиббиёт

энг аввало, ўзи қайғуриши, эҳтиёт чораларини кўриши зарур. Масалан, туғма нуқсонларни олайлик. Ушбу турдаги хасталиклар муайян сабабларга кўра, ҳомиладорлиқнинг дастлабки учинчи ойида юзага келиб, ривожлана бошлайди. Яъни булар ҳомиладор аёлнинг грипп, гепатит сингари тез сингари хасталикларга чалиниши, бундан ташқари, турли стресслар, сурункалик буйрак хасталиги, юрак пороги, камқонлик ҳамда дармондорилар етишмовчилиги натижасида келиб чиқади. Агар бўлажак она доимий равишда шифокор кўригидан ўтиб турса, турли вируслар юқинишининг олдини олиш борасида мутахассис маслаҳатига қатъий амал қилса, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Бугунги кунда республикамизнинг энг чекка қишлоғу маҳаллаларида мунтазам равишда "Саломатлик ҳафталиги", "Ёш оналар мактаби" сингари тадбирлар ташкил этилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, фарзанд — оила қувончи, юрт келажаги. Эртанинг эгалари ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб шаклланиши бизнинг айни пайтдаги саъй-ҳаракат ва интилишларимизга боғлиқдир.

Бахтиёр ЭРГАШЕВ, Республика Перинатал марказининг Неонатал жарроҳлик бўлими мудири, профессор.

Advertisement for Gazel Business vans. Includes models like GAZ-32213, GAZ-2705, GAZ-3302, and GAZ-330200 with specifications and prices.

ЗАМОНАВИЙ АҲБОРОТ АЛМАШИНУВИ

Бугун ҳеч бир соҳа тараққиётини компьютер технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайдди. Хусусан, мамлакатимизда кутубхоналар тизимининг компьютерлаштирилиши юртдошларимизнинг зарур адабиётлар билан танишиш, қулай ва тезкор ахборот олиш борасидаги имкониятларини янада кенгайтирди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги "2011 — 2015 йиллар учун ахборот-коммуникация технологиялар базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмат қўрсатишини кейинчалик сифатли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтарди. Натижада зиё мақсадлари янги адабиётлар билан бойитилиши баробарида, соҳага замонавий технологияларнинг жадал кириб бориши, хусусан, компьютер ёрдамида адабиётларнинг электрон нусхаларини яратиш, масофадан туриб ўқиш сингари тезкор фаолият турлари жорий этилди.

— Мазкур қарор ижроси йўлида муайян ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази директори М. Самадова. — Чунки, йиғма электрон каталог бўлимини ташкил этиб, компьютер ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозладик. Бундан ташқари, Бухоро

Ислохот

иқтисодиёт ва банк, Бухоро тиббиёт, Қорақўл санаят-транспорт касб-ҳунар коллежлари каби қатор ўқув муассасалари тасарруфининг 19 та кутубхона ягона тармоққа уланади. Таъкидлаш керакки, тизимдаги бу каби ўзгаришлар фойдаланувчига қатор қулайликлар яратмоқда. Дейлик, миқоз исталган марказга кириб, мамлакатимизнинг йирик шаҳарла-

"Ўзўштинсанаят" давлат акциядорлик уюшмасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 20 декабрь кунин 488-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги берилган гувоҳнома асл нусхаси йўқолиши туфайли бекор қилинади.

ЦЕМЕНТ (пц400 Д20) 213,3 ▼ -12,6 ЦЕМЕНТ (пц400 КД20) 192,6 ▼ -0,8 АРМАТУРА 3738,4 ▲ +468,9 ШИФЕР (1 лист) 15000 ▲ +2377 АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан сақланган.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5